

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

**60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

## Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 363 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

T/р	бет
1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси ..... 1.1.1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши..... 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... 1.2. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари..... 1.2.2. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари..... 1.2.3. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари..... 1.2.4. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... 2.1. Умумий компетенциялар..... 2.2. Касбий компетенциялар..... Библиографик маълумотлар..... Келишув варағи .....	7 7 10

## **1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

*60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 3 йил.*

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.*

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* – “Педагогика” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараённида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усууллари, методлари;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни;
- таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни;

-Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

- қаламтасвир, рангтасвир, санъат тарихи, композиция, пластик анатомия,

хайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, тасвирий санъат фанини ўқитиши методикаси, чизмачилик фанини ўқитиши методикаси, чизма геометрия, чизмачилик, мұхандислик компьютер графикаси, график тасвирлаш асослари ва 3Д моделлаштириш фанлар тизимидағи янгиликлар, шунингдек, тасвирий санъат ва мұхандислик графикасидаги касбий соҳалар бўйича таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

#### **1.2.2. 60111200 – Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

– Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълими жараёни, мазкур фанлар тизимини ўқитиши такомиллаштиришга имкон берадиган педагогик ва инновацион технологиялар, методлар, тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим мининг назарий масалалари, ўқитиши методикаси, маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини лойихалаштириш ва ташкил этиш жараёни;

– шахсий ва касбий маҳоратни шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни, таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни, таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этишни тушуниш ва идрок этиш, таълим жараёни меъёрий ҳужжатлари;

– қаламтасвир, рангтасвир, санъат тарихи, композиция, пластик анатомия, хайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, тасвирий санъат фанини ўқитиши методикаси, чизмачилик фанини ўқитиши методикаси, чизма геометрия, чизмачилик, мұхандислик компьютер графикаси, график тасвирлаш асослари ва 3Д моделлаштириш соҳаларидағи муаммолар ва уларнинг ечимлари;

– тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари масалаларини қамраб олади.

*60111200 – Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган ушбу йўналишдаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиши бўйича педагогик фаолияти билан шуғилланиш хукукига эга бўлади.*

#### **1.2.3. 60111200 – Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- Педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- тадбиркорлик.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. 60111200 – Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60111200 – Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:*

##### **Педагогик фаолиятда:**

– умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида қаламтасвир, рангтасвир, санъат тарихи, композиция, пластик анатомия, хайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, чизма геометрия, чизмачилик, мұхандислик компьютер графикаси, график

тасвирлаш асослари ва 3Д моделлаштириш, техник чизмачилик, чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанларидан үрнатилған тартибда дарс бериш;

- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар, мактаблари, мактабдан ташқари муасссаларида ишлаш;

- таълим тизимида кабинет мудири, методист ва унга тенглаштирилған лавозимларда ишлаш;

- тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси фанлар йұналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида маънавий-маърифий соҳаларда ишлаш;

- ишлаб чиқариш соҳасида компьютер технологиялари, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишининг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилған ишнинг натижаларини баҳолаш;

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;

- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси соҳаларининг илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йұналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиши методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- Тасвирий санъат ва мұхандислик графикаси соҳаларига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидағи маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- таълим йұналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш.

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- глобаллашув шароитида кечаетган жараёнларда ахборот коммуникация

технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сухбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умумисоний қадриятлар, меҳрмуруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

### **2. 60111200 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- дунёқарааш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушиниш, табиий ва илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги ва экологик билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиши, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиш.

#### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштиришни билиш;

- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараённада гносеологик, ташкилий, психологик, дидактический, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришишни билиш;

- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олишни билиш;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказишни билиш;

- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлашни билиш;

– тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларнинг асосий мақсади ва тушунчалари, шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари, Ўзбекистон олимларининг тасвирий санъат, муҳандислик графикаси соҳаларидағи ютуқлари, олимларнинг тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ривожлантиришига қўшган ҳиссалари, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг замонавий ютуқларини билиш;

-бадиий таълимнинг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида болаларни ўқитишида узвийликни амалга ошириш воситалари, турли бадиий тизимлар назарияси ва тарихига доир замонавий билимларни, бадиий-ижодий фаолиятга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга узатишга қобилиятлилик, текис геометрик шакллар, уларга доир турли геометрик ясаш усулларини, табиий буюмлар ва геометрик сиртларнинг ортогонал ва аксонометрик проекцияларини ҳосил қилиш ҳамда уларни чизиш усуллари, уларга оид бўлган масалаларни ечиш малакаси ва шу билан бирга мазкур чизмаларни давлат стандарти асосида билим бериш, таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритишни билиш;

–тасвирий санъат ва чизмачилик фанларининг ўқитиши методикасининг ривожланиш тарихи, асосий принциплари ва қонуниятлари, долзарб муаммолари, фанни ўқитишининг мазмуни, методлари, воситалари, шакллари шунингдек, хусусий методиканинг ўзига хос хусусиятлари, фанни ўқитишида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқувчилар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришида зарур методик билим, кўникмаларни шакллантириш йўлларига оид билимлар бериш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш ва ўргатиш, умумий ўрта таълим мактаблари тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиларининг касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган замонавий компетенцияларини ривожлантиришни билиш;

-бадиий таълимнинг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида болаларни ўқитишида узвийликни амалга ошириш воситаларини қўллай билиш;

-турли бадиий тизимлар назарияси ва тарихига доир замонавий билимларни қўллай билиш;

-бадиий-ижодий фаолиятга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга узатишни билиш;

-музей, галерея, архитектура ва миллий маданият ёдгорликларида эксперсия уюштириш, санъат бўйича сухбатларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги билимларни қўллай билиш;

-фан соҳасидаги янги маълумотларни таҳлил қилиш, санъатда замонавий технологияларни қўллаш, бадиий-амалий ва лойиҳавий-дизайн фаолиятининг замонавий йўналишлари бўйича амалга тадқиқотлар сифатини тушунишни намоён қилишни билиш;

-матбаа, интерер ва экстерерга бадиий безак бериш, тасвирий, амалий санъат ҳамда фан соҳасига доир замонавий технология, метод, воситаларни қўллай олишни билиш;

-бутун ҳаёт давомида илмий-педагогик ва бадиий-амалий фаолият соҳасида ўз-ўзини такомиллаштиришни билиш.

- текис геометрик шакллар, уларга доир турли геометрик ясаш усулларидан фойдалана олишни билиш;

- табиий буюмлар ва геометрик сиртларнинг ортогонал ва аксонометрик проекцияларини ҳосил қилиш ҳамда уларни чизиш усуллари, уларга оид бўлган масалаларни ечиш малакаси ва шу билан бирга мазкур чизмаларни давлат стандарти асосида бажара олишни билиш;

- турли машина ва механизмларнинг деталларини ясаш ҳамда уларни йиғиш учун тузилган чизмаларни бажара олишни билиш;

- бугунги ишлаб чиқариш жараёнида машина ва механизмларнинг ишлаш принципларини ифодаловчи схематик чизмаларни бажариш ва ўқий олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- турар жой, мактаб, таълим муассасалари, корхона ва бошқа шу каби биноларнинг чизмаларини бажариш ҳамда уни ўқиш малакаси ҳамда фанни бугунги кундаги қурилиш соҳаси, жумладан, турар-жой ва нотурар жой бинолар, йўллар, темир йўллар, кўприк ва тонеллар қурилиши билан боғлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- модел, детал ва буюмларнинг ишчи ва йигиши чизмаларини тузиш ва ўқиш қонуниятлари, графика фанлари тарихи ва ривожланиши жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажариш кўникмаларига эга бўлиш;
- геометрик фигуруларнинг текислик ва сирт устида проекциялаш усулларини тадқиқ қилиш, уларнинг қиёсий таҳлилини бажара олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- геометрик фигуруларнинг текис чизмасидан унинг фазовий ҳолатини ва аксинча фазовий ҳолатидан унинг текис чизмасини англай олиш, тасаввур ва тафаккур қила олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- геометрик шакл ва сиртларнинг ортогонал, аксонометрик ва перспектив тасвиirlарини мустақил бажара олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- геометрик шакл ва сиртларнинг ўзаро муносабатларига оид позицион ва метрик масалаларни еча олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- геометрик шакл ва сиртларнинг, турли обьектларнинг шахсий ва тушувчи сояларини қуриш, унга тузатишлар киритишга оид кўникмаларига эга бўлиш;
- аввалдан берилган шартга асосан геометрик шакл, сирт ва обьектларини лойиҳалай олиш ва уни ишлаб чиқариш билан боғлашга оид кўникмаларига эга бўлиш;
- перспектив тасвир қуриш қоидаларини тасвирий санъатга интеграциялай олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- моделлаштириш обьектларининг расмларини олиш, шу жумладан рақамли, CAD дастурлари билан ишлаш, рақамли шаклда ахборотни бошқариш, уч ўлчамли геометрик моделни лойиҳалай олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- стандарт пакетлар ва автоматлаштирилган лойиҳалаш воситаларидан фойдаланган ҳолда техник обьектлар ва технологик жараёнларни моделлаштиришни таъминлайди, натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан белгиланган усуллар бўйича экспериментлар ўtkаза олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- техник топшириқларга мувофиқ ва автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда, мухандислик иншоотларининг қисмлари ва таркибий қисмларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ишларини билиш;
- график амалларни мустақил таҳлил қилишда ижодий ёндашишни билиш;
- график билимларга оид ахборотларни тўплаш, жамлаш, қайта ишлаш ва улардан ўқитишида фойдаланиш усулларини эгаллайди ва ўз касбий фаолиятида улардан мустақил асосланган қарорлар қабул қила олишни билиш;
- график таълимга оид юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларни чизмачилик фанини ўқитишида қўллашга ижодий ёндаша олиш кўникмаларига эга бўлиш;

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7  
OKC 01.040.01

Гурӯҳ Т 55

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ


### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

### КЕЛИШИЛГАН:




Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

Вазир ўринбосари 

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Республика таълим маркази  
директори



Директор.  Ш.Саттаров

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.